

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО
ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ**



**ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ
РИВОЖИДА АЛЛОМАЛАР
МЕРОСИНИНГ ЎРНИ**

**ЁШ ОЛИМЛАР III АНЪАНАВИЙ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТЎПЛАМИ**



«Ўзбекистон халқаро ислом академияси»
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2021

талқинига муносабатни, матнларнинг ўзаро алоқадорлик, қиёсийлик тамойилларини таҳлил қилиш ижтимоий аҳамиятини янада оширади. Матнларни тушуниш жараёнини тажрибалар ёрдамида ўрганиш, бу жараённинг даражаларини мавжуд манбалар асосида таҳлил қилиш тадқиқотчини янада изланишга ундайди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. *История философии для студентов ВУЗов Ростов на Дону, 1998.*
2. *Гилберт Р. Понятие сознания. Идея-пресс, 2000.*
3. *Ляпушкина Е.И. Введение в герменевтику. СПб.:Издательство, 2002.*

* * *

Мансур ХОЛМАТОВ,

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси
таянч докторанти*

БАҒРИКЕНГЛИК – ПСИХОЛОГИК ФЕНОМЕН СИФАТИДА

Бағрикенглик тушунчаси фалсафа, психология ва педагогика каби қатор фанлар доирасида, кўп ҳолларда “миллатлараро мулоқот маданияти” атамаси сифатида таҳлил этилганини таъкидлаш жоиз. Психологияда толерантлик феномен сифатида нисбатан яқин вақтлардан бери ўрганилмоқда. Толерантликни тенгликни ҳурмат қилиш ва тан олиш, устунлик қилиш ҳамда куч ишлатишдан воз кечиш, инсоний маданият, меъёрлар, эътиқодларнинг кўп улчамлилиги ва турли-туманлигини тан олиш, бу турли-туманликни бир турлиликка ёки қандайдир нуқеаи назарнинг устунлик қилишига келтиришдан воз кечиш А.Г.Асмолов ва Г.У.Солдатова ишларида ўз аксини топган. А.В.Петровский, А.В.Зимбули, Ю.А.Ищенко, В.М.Золотухин, С.Ю.Головин, А.Г.Асмолов ва Г.У.Солдатовалар нуқтаи назаридан, чидамлилиқ толерантликнинг таркибий қисми бўлиб, толерантлик ўз навбатида янада кенгрок тушунча деб ҳисобланади [1, 5].

“Чидамлилиқ” ва “толерантлик” тушунчаларининг ўзаро боғлиқлигини кўриб чиқишда А.А.Реан фикри қарама-қаршидир. Унинг фикрича, толерантлик психофизиологик тушунчадир ва у бирор-

бир номувофик омил таъсирига сезувчанликнинг сусайиши натижасида унга таъсирланишнинг пасайишини билдиради. А.А.Реан фикрига кўра, “чидамлилик” тушунчаси толерантликни ўз ичига олади ва янада умумийроқ ҳисобланади. Чидамлилик шахснинг турли фикрларга муносабат, инсонлар ва воқеаларни баҳолашда олдиндан бир фикрга эга бўлмаслиги билан боғлиқ бўлган хусусияти, деб тушунилади. Олим бағрикенгликнинг умумий ҳодиса сифатидаги структурасида тоқатнинг турли механизмлари асосида бир-бири билан боғланган икки турини ажратиб кўрсатади:

1. Шахснинг сенсуал чидамлилиги унинг атроф-муҳит таъсирига бардошлилиги билан боғлиқ ва сезувчанлик пасайиши ҳисобига қандайдир салбий омилларга таъсирчанликнинг камайиши билан боғлиқ, бу “чидамлилик-бағритошлик, чидамлилик-девор”.

2. Шахснинг диспозицион чидамлилиги унинг атроф-муҳитга чидамлилиги реакцияциясининг тайёргарлиги, мойиллиги билан сифатланади. Бунинг ордасидя шахснинг муайян установакаси, воделикка нисбатан муносабатларининг йигиндиси туради, яъни «чидамлилик-позиция», «чидамлилик- установка», «чидамлилик-дунёдараш» [1, 7].

А.В.Петровский ва В.В.Юрчукларнинг фикрича, кенгликни фрустраторлар ёки стрессорлар мавжуд булган психологик баркарорлик сифатида кўриш мумкин, қачонки, у такрорланадиган таъсирга сезувчанликнинг пасайиши натижасида шаклланган бўлса, албатта.

Е.В.Магомедованинг фикрича, бағрикенгликни инсон онгининг икки даражаси: рационал-мантикий ва эмоционал-ҳиссий асосда кўриб чиқиш мумкин. Бошка кишига чидамли бўлиш, уни тушуниш учун нафақат ана шундай хатти-ҳаракат қилиш ҳақида билим талаб қилинади, балки бу хатти-ҳаракатини ҳис қилиш тақозо этилади. Шу нуктаи назардан **караганда**, бағрикенглик – бу ҳар доим шахсий-ҳиссий хатти-ҳаракатдир. Инсоннинг шундай руҳий ҳолатини В.С.Соловьев маънавият, деб атайди. Бундай тахмин бағрикенгликнинг эмоционал-ҳиссий даражада ахлоқ билан чамбарчас алоқадалиги ҳақидаги хулосалар билан таъкидланади. Бундан ташқари, бағрикенглик эмоционал-ҳиссий даражада тарихий ҳисобланмайди, чунки у кўпгина халқларнинг маданий-тарихий анъналарида мустаҳкамлаб қуйилган. Ҳақиқий бағрикенглик кишининг ички руҳий эркинлиги ёрдамида

таъминлади ва у ҳар доим ҳам ташқи эркинлик билан мувофиқ келавермайди [2,211].

Психолог олимлар бағрикенгликнинг кадриятларга асосланган табиатини таъкидлаб, уни инсон ахлоқи ривожига билан боғлайдилар. Шундай ёндашувни С.М.Шалютин асарларида кўришимиз мумкин. У бағрикенгликни асрдан-асрга ўтиб келаётган умуминсоний кадрият сифатида тадқиқ этади.

Бихевиоризмда бағрикенглик, авваламбор инсоннинг алоҳида бир хулқ-атвори сифатида кўрилади. Шунингдек, когнитив ёндашувда, бағрикенглик асосини билим ва рационал далиллар ташкил этади. Экзистенциал-гуманитар нуқтаи назардан қараганда, тўлақонли ва пухта бағрикенглик бевосита анланган, фаҳмланган ва масъулиятли ижтимоий ҳодисадир. С.Л. Братченконинг фикрича, бундай бағрикенглик автоматизм ва ҳаракатларнинг оддий қолип-андозларига олиб келмайди, бу – кадрият ва ҳаётий позиция бўлиб, уларни конкрет вазиятда амалга ошириш маълум бир маъно касб этади ва бағрикенглик субъектидан мазкур маънони ва масъулиятли чарорни излаш талаб чилинади [2,222].

Шундай ёндашув, А.Г. Асмолов нуқтаи назаридан қараганда, бағрикенглик мустаҳкам қоида ёки истеъмол учун тайёр рецепт сифатида, айниқса жазолаш учун мажбурий талаб эмас, аксинча, инсоннинг масъулиятли танлови – ҳаётга кадриятли бағрикенглик асосидаги ёндашуви бўлиб хизмат қилиши лозим [1,17].

Бағрикенглик бўйича хорижий ва маҳаллий ишлар шундан далолат бераптики, бағрикенглик **тушунчасига** умумий маънода таъриф бериш мушкул. Шунинг учун бу масалада диверсификацион ёндашувга риоя қилинмоқда. Мазкур ёндашувни муҳокама қила туриб, И. Петтай бағрикенгликнинг маълум бир ривожланиш динамикаси ҳақида гапиради ва бағрикенглик шаклланишининг бир неча даврларини ажратиб курсатишга ҳаракат қилади. Бинобарин, бағрикентикнинг юксакроқ даражаси доим афзалроқ, дейиш туғри **эмас [3,6]**.

М.Уолцернинг бағрикенгликнинг чегаралари ҳақидаги фикрларига қўшилган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, бағрикенгликнинг шароитларга мос бўлмаган ҳаддан зиёд кўтарилиши инсоннинг қаршилиқ кўрсата олиши ва унда ночорликнинг ўсишига, уни дифференциаллашган таъсирчанлигининг пасайиши ҳамда

индивидуаллиги ва айнанлигига хавф-хатарнинг вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин.

С.Л.Братченконинг фикрича, диверсификациянинг яна бир муҳим жиҳати, бу – бағрикенгликнинг психологик мазмунининг кўпқиррали ва хилма-хиллик ҳолатидир. Бу шундан далолат берадики, бағрикенгликни фақат бир тушунча ва битта ўлчовга таяниб батафсил изоҳлаш мумкин эмас [4,213].

Мураккаб психологик жараёнлар ва ҳодисаларни изоҳлашда одатда компонентларнинг учлиги: когнитив, эмоционал ва хулқ-атворлиликдан фойдаланилади. Бағрикенглик муаммоси таҳлили учун ҳам мазкур схемадан фойдаланиш ҳаракатлари пайдо бўла бошлади. Бағрикенгликнинг когнитив компоненти оламнинг мураккаблиги, кўп ўлчовлилиги ва кўп қирралигини ҳамда уни бир қолипга мос эмаслигини эътироф этиш орқали тушунилади. Айнан шу жиҳатлар, бағрикенглик тамойиллари Декларациясида таъкидланади. Чунки бағрикенглик «...биз олам бой маданиятининг кўпқирралилигини, ўзлигимизни намоён этиш шакллари ва инсон индивидуаллигини руёбга чиқариш воситаларини тугри тушунишимиз», деб эътироф қилишдир. Бағрикенгликнинг эмоционал компоненти эмпатиянинг бағрикенглик муносабатларини ташкил қилувчиси сифатида ифодаланади. Г. Кристалл эмоционал мустаҳкамликни «Аффектив бағрикенглик»нинг алоҳида тури сифатида ажратиб кўрсатади. Унинг моҳияти шундан иборатки, бунда эмоционал тигизликни жиловлаш, аччиқ кечинмаларга чидамлилик билан муносабатларда бўлиш такозо этилади [5,219].

Бағрикенгликнинг бундай турини бошқа жиҳати С.Л. Братченконинг фикрича, бошқа кишиларнинг турли эмоционал кўринишларига чидамлилик асосида муносабатда булиш билан боғлиқдир. Ривожланган «аффектив бағрикенглик» инсонга нафақат ўзининг эмоционал жараёнларини, балки бошқаларнинг кечинмаларини уларни асабийлаштирмасдан ва уларга салбий маъно юкламасдан яхши англашга имконият яратади [5, 219-220].

Бағрикенгликнинг хулқ-атвор компоненти одатда тадқиқотчиларни ҳам диагностика, ҳам ўқитиш жараёнида ўзига кўпроқ жалб этади. Хулқ-атворли бағрикенгликка катта ҳажмдаги конкрет мохирлик ва қобилият тааллуқлидир. С.Л.Братченко уларнинг орасидан қуйидагиларни алодида ажратиб курсатади:

- Ўз позициясини нуқтаи назар сифатида, бағрикенглик асосида баён эта олиш қобилияти;
- Бошқаларнинг фикрларига бағрикенглик билан қулоқ сола олиш ва келишувга тайёрлик;
- Мураккаб ва таҳликали вазиятларда бағрикенглик хулқ-атворини намоён қилиш.

Шунингдек, ушбу муаллиф яна бир шартли «бағрикенглик компоненти» – вербални алоҳида ажратишни таклиф қилади. Агарда когнитив компонент бағрикенглик тамойилларини амалга ошириш йўналишида идрок, тушуниш, тафаккур, талқин қилишни, аниқ ўлчашни назарда тутса, вербал компонент эса, билимларни ташкил қилиш билан чекланади. Бундай бағрикенглик жуда оддий ва юзаки ўлчов бўлиб, у кишининг бағрикенглик ғоялари билан танишлиги ва бу ҳақда у бироз саёз фикр билдириши мумкинлиги, лекин бу мавзуда конкрет жиддий мулоҳаза қила олмаслигидан далолат беради [4,222].

Л.И. Рюмина билан бир масалада келишиш мумкин: бағрикенгликни қадриятли-маъноли ёндашув тарзида мустаҳкам позиция сифатида ўрганиш жараёнида, бу муаммо шахсий установаклар, қадриятлар ва маънолар муаммоси сифатида гавдаланади, зеро, айнан улар бир томондан шахснинг ички дунёси, унинг ҳиссиётлари ва кечинмаларини белгиласа, иккинчи томондан эса, шахс хулқ-атворини белгилаб берадиган **мотивацион мувофиқлаштирувчи** тушунча сифатида намоён бўлади [6,55].

Экзистенциал-гуманистик ёндашувга мувофиқ, инсоннинг ўзи билан атрофидагиларга муносабати мустаҳкам тарзда боғлиқдир. Бағрикенгликни шахсни ташкил этувчи сифатида тасаввур қиладиган бошқа анъана эса Т.Адорнонинг «авторитар шахс» концепциясида ишлаб чиқилган, шунингдек, Э.Фромм, М.Хоркхаймер, М.Рокич ва Г.Маркузе назарияларида ҳам мазкур анъана хусусияти илгари сурилгандир. Мазкур йўналишдаги ишларда авторитарликнинг интолерантлик билан алоқаси очиб берилган. Бинобарин, ушбу йўналишларда шахслараро бағрикенгликнинг асосий ўлчови бўлиб, шахсиятлик, когнитив, эмоционал, хулқ-атворилилик ва вербаллик намоён бўлади.

Бағрикенглик диологик ёндашув нуқтаи назаридан туриб кўрилади, бу эса бағрикенглик муаммосининг барча асосий жиҳатларини ифодалайди. Бу ўлчовда, деб таъкидлайди С.Л.Братченко, энг асосийси

бағрикенгликнинг «шахс ички шароитлари»дир, яъни кишилар орасидаги фарқнинг табиийлиги ва муқаррарлигини тушуниш ҳамда ушбу фарқларни ҳурмат қилишга тайёр туришдир. Шунингдек, ҳар бир кишининг ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш, бошқалар билан бирга яшай олиш, улар билан зулмдан йироқ бўлган ўзаро ҳамкорликка киришиш, яъни диалогга киришишга тайёр бўлиш керак [4,201].

Диалог концепциясида шахслараро бағрикенглик, шунингдек, «шахснинг коммуникатив ҳуқуқи» конструкти ёрдамида очиб берилиши ва тадқиқ этилиши мумкин. Унинг ёрдамида мулоқотнинг психологик-ҳуқуқий тизими изоҳланиб, у суҳбатдошлар эркинликлари чегарасини шундай белгилаб берадики, бу ҳол уларнинг ўзаро ҳамкорлигини, бир-бирларини эътироф этишлари ва зулм қилмасликларини таъминлайди.

Шахс коммуникатив ҳуқуқининг асосий, базаси – ўзининг кадрятлар тизими, ғурурга эга бўлиш ҳуқуқи ва уни ҳурмат қилиш, индивидуаллик ва ўзига хослик, суҳбатдошдан фарқлилик ва х.з.дир. Бу ҳуқуқлар коммуникатив бағрикенгликнинг операционализацияси ва осойишта мавжудлик ҳамда тўлақонли ҳамкорликни сақлаб туриш учун зарур бўладиган конкрет ёндашув ҳаракатлари сифатида кўрилиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Асмолов А.Г. *Толерантность от утопии реальности.//На пути к толерантному сознанию. – М., 2000.*
2. Ананьев Б.Г. *К психофизиологии студенческого возраста // Современные психолого-педагогические проблемы высшей школы / Под ред. Б. Г. Ананьева и Н.В.Кузьминой. – Л., 1974.Вып.2.*
3. Петтай И. *Взаимная толерантность эстонцев и неэстонцев // Интеграф») эстонского общества. Мониторинг 2000. – Таллинн, 2000.*
4. Братченко С.Л. *Межличностный диалог и его основные атрибуты. // Психология с человеческим лицом: гуманистическая перспектива в постсоветской психологии. – М., 1997.*
5. Кристалл Г. *Аффективная толерантность.// Журнал практической психологии и психоанализа. 2001. №3.*
6. Рюмина Л.И. *Библиотека психологии и педагогики толерантности. // Вопросы психологии. 2002, №2.*

* * *

М.Шерова. Шарҳлар – шарқ мумтоз адабиёти назарий асосларини ўрганишда муҳим манба	202
Г.Шарипова. Особенности проявления религиозной толерантности в государственной политике Малайзии	205
В.Тулиев. Социальные проблемы современной молодежи: причины и решения	208
A.Tukhtanazarov. Centers for the study of islamic sciences in the uk and their specifics.....	211

4-ШЎБА. ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК МУАММОЛАРИ. КИБЕРМАКОНДА ДИН: ЯНГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАР ВА ТАҲДИДЛАР

С.Қаххоров. Диний мутаассибликнинг психологик тадқиқотларда ўрганилганлиги.....	220
Т.Маратов. Диний идентификация муаммосини замонавий психологик тадқиқотларда ўрганилганлик даражаси.....	224
Г.Содиқова. Оилада ўсмир мустақил қарор қабул қилишининг психологик жиҳатлари.....	228
А.Жаббор. Матнлар муаммосининг психоллингвистик ва герменевтик таҳлили.....	230
М.Холматов. Бағрикенглик – психологик феномен сифатида.....	233
Д.Улмасова. Дин омилининг эмоционал интеллектни ривожлантиришдаги роли	239
A.Nosirova. Diniy ksenofobiya ekstremizm va terrorizmni keltirib chiqaruvchi omil sifatida	241
Ш.Ниёзова. Киберчерковларнинг юзага келиши ва ўзига хос жиҳатлари.....	245
М.Мирзагатова. Миссионер ташкилотларнинг ўз ғояларини тарғиб қилишда қўллайдиган услуб ва воситалари.....	249
Ф.Холмўминов. Миссионерлик – тинчлик қушандаси.....	252
I.Naydarov. “Ma’rifatchilar” diniy jamoasining qonunga xilof harakatlari.....	256
S.Soliyev. Internet saytlarida missionerlik targ‘iboti	261
Р.Хожимуродова. Роль биоэтики в формировании мировоззрения студентов-медиков	263